



ТОШКЕНТ О'QSHOJMI



XXI саҳоси

Барча маъналардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 68 (9.565) 2001 йил 13 июнь, чоршанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш, абитуриентларга тест синовларидан ўтмишда қулайликлар яратиш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни таллаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОРИ ҚИЛДИ:

- 2001/2002 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 49500, шу жумладан 19800 давлат грантлари ва 29700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича; магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 4200, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 2800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассислар бўйича тақсимлансин.
- 2001/2002 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасалари ҳақида ташкил этилган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимига умумий қабул квоталари 200, шу жумладан давлат грантлари бўйича 100 ва тўлов-контракт асосида 100 квота белгиланиб, улар республика тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.
- 2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.
- Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирилик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалаврият ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги тақрирларни бир ҳафта мuddатда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.
- Республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини олий маълумотли ўқитувчилар ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш мақсадида 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил сановат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари таркибидан ўрта махсус маълумотта ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни давлат грантлари асосида тест синовлари орқали қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун махсус сиртки бўлимлар очилсин.
- Белгилансинки, ушбу тоифадаги педагог кадрларга олий маълумот бериш учун бакалавр даражасига мўлжалланган уч йиллик ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва таълимнинг босқич тизими ҳорий этилади.
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 10 кун мuddатда қайд этилган олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимларига қабул квоталари юзасидан, уларнинг моддий-техника ва ўқув-методик базаси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Хукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини тайёрлашин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **ГЛІЗЕР** номли мусика билим юртида мамлакатимиздаги мусика билим юртини иқтидорли талабалари иштирокида кўрик-танлов ўтказилди. Адабиёт, санъат соҳасидаги ёшларнинг иқтидорини белгилаб берадиган ушбу кўрик-танловнинг 14 нафар ғолиблари санъат институтида имтиҳонсиз тахсил олиш ҳуқуқига эга бўлишди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманида Туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Акмал Икромов туман бўлими, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Хамшира — 2001» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов ғолиблигига сазовор бўлган 56-оилавий шифона ҳамшираси Матлуба Бобонова эндиликда ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичида қатнашди.

□ **КЕЧА** Тошкентдан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташаббуси билан Оролбўйи минтақасидаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 15 нафар шифокорлар ҳамда дори-дармонлар ортлган юк поезди жўнаб кетди.

□ **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат иқтисодий университетиде ўқитувчилар ва талабалар иштирокида Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган илмий-амалий анжуман «Республика олий ўқув юртиларида ўзбек ва рус тилларини ўқитишнинг муаммолари» деб номланди.

□ **ЎТГАН** кун Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиз олий ўқув юртиларидаги 120 нафар профессор-ўқитувчилар иштирокида «Миллий истиқлол ғосси: асосий тулғуна ва тамойиллар» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

□ **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат юридик институтида мазкур илм даргоҳини 25 йил аввал битириб кетган курсдошларнинг устозлари билан учрашуви ўтказилди.

□ **ШАҲАР** қурилиш ва хунармандчилик миллий касб-хунар коллежиде ўқувчиларнинг гўхта билим олиши ҳамда касб-хунар эгаллаш мақсадида 2 та компьютер ва лингфон хоналари ташкил этилган эди. Яқинда мазкур ўқув масканида ахборот тизимини йўлга қўйиш мақсадида Интернет тармоғи ҳам фаолият бошлади.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 23-Меҳрибонлик уйининг 120 нафар тарбияланувчиси ёзи ташлини Тошкент яқинидаги «Эльбрус алгоритми» болалар оромгоҳида ўтказиладиган бўлишди.

□ **БЕКТЕМИР** тумани Ички ишлар бўлими ташаббуси билан туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида ўтказилган йилгилиш ёшлар ўртасида хўқубзарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига бағишланди.

□ **ЎТГАН** кун «Чилонзор» уйингоҳида 9-11 ёшли ўқимлар ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» турнирининг Тошкент жаҳон босқичи учун кенган мусобақаларда Яққасарой тумани ёш футболчиларини мағлуб этган чилонзорлик футболчилар шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

«Динамо»да теннис байрами



Ўтган кун ишқибозлар билан тўла «Динамо» теннис мажмуида «Тошкент Оупен — 2001» аёллар ўртасида халқаро теннис турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

...Мусика садолари остида марказий кортага халқаро мусобақанинг асосий баҳсларида қатнашувчи Австрия, Беларус, Хитой, Чехия, Испания, Франция, Германия, Гонгконг, Венгрия, Индонезия, Италия, Япония, Корея Республикаси, Голландия, Россия, Швейцария, Словакия, Хитой Тайпейи, Туркия, Украина, АҚШ, Ўзбекистон жамоларининг катта ракетка усталари сафланди.

Мусобақа қатнашчилари, меҳмонлари ва пойтахт аҳлини теннис бўйича Ўзбекистон Президентини Кубоғи ва «Тошкент Оупен» халқаро турнирларининг асосчиси жаноб Сассон Кашури улкан спорт байрами билан қутлар экан, Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори тенниснинг ривожланишига Республика Президентини Ислам Каримов дониий аҳамият қаратаётганини таъкидлаган ҳолда барчага ажойиб теннис ҳафтасида хуш кайфият тилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, пойтахт теннис федерациясининг раиси Рустам Шоабдурахмонов олтинчи аънавий мусобақа Оналар ва болалар йили, Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига муносиб совға бўлишини таъкидлаб, «Тошкент Оупен — 2001» халқаро мусобақаларини очиб деб эълон қилди.

Сўнг ўтган йилги «Тошкент Оупен» турнирининг ғолиби Ирода Тўлаганова ўзига билдирилган оқсак тўғридан адо этган ҳолда давлатимиз мадҳисининг садолари остида мусобақа байроғини кўтарди. Мусобақа қатнашчиларига миллий либосдаги қизларимиз томонидан чиройли гулдастлар топширилган. 1999-2000 йиллардаги пойтахт халқаро очик чемпионатининг қатнашчиси, венгриялик тажрибали катта ракетка устаси Петра Мандула ва Франция вакили Александр Фусай ўртасида хаяжонли баҳс бошланди. Аёллар теннисида энг кучли — соатига 185 километр тезликдаги зарбага эга Фусай ўзи тўп ташлаган дастлабки геймни галаба билан бошлаган бўлса-да, биринчи сетда 3/3, 4/4 ҳисобида тенг ўйин кетди. Оқир-оқибатда биринчи сетда Фусай 6/4 ҳисобида устун келди. Иккинчи сет янада кескин ва муросиз кетди. Натжидада 4/1 ҳисобида ютиб турган Фусай сетни 5/7 ҳисобида бой берди. Учинчи сетни кўтаринки руҳда ўтказган тажрибали Мандула 6/2 ҳисобида ютиб кейинги босқичга йўлланма олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Республикада таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳафта таъбиқ этишининг иккинчи босқичи вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириладиган бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда умумтаълим мактаблари ва янги турдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртиларида 120 минг нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида олий маълумот олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида, қарорга кўра, 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети,

Бухоро озиқ-овқат ва енгил сановат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида ўрта махсус маълумотга ва камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган кадрларни қабул қилиш ва бакалавриятда ўқитиш учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича сиртки бўлимлар ташкил этилади.

Шуниси аҳамиятлики, бу мутахассисларни ўқитиш давлат грантлари асосида, яъни давлат бюджетиде ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганини ҳисобга олиб, ўқув бўлими олий таълим муассасалари магистратурасига қабул микдори сезиларли оширилди.

Сув тақчиллигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси ва ёшларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қарорда ушбу ҳудудларда яшаётган абитуриентларга қўшимча шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш кўзда тутилган.

Қарорга кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига айни ҳудудлардан Тошкент шаҳри ҳамда вило-

ми 117 бўлган кучли спортчи Уинн Пракусиага 6/2, 6/4 ҳисобида ютказиб қўйди. Жуфтликларда ҳам Варвара Лепченко — Иванна Исроилова Александр Фусай (Франция) — Елена Татаркова (Украина) жуфтлигига бахсини 6/1, 6/3 ҳисобида бой берди. Ёш, умидли спортчимиз Оқул Омонмуродова Голландия вакили Зедра Нурландердан 6/4, 6/2 ҳисобида доғда қолди.

Турнирнинг энг улкан шов-шувви ҳам кенар бўй берди. Мусобақанинг биринчи ракеткаси, 36 рейтинг рақамига эга россиялик Татьяна Панова Германиялик Анка Барнага 6/0, 1/6, 3/6 ҳисобида ютказиб турнирни тарқ этишга мажбур бўлди. Мусобақанинг иккинчи ракеткаси Татьяна Гарбин (Италия) Жанубий корейлик Иун Йонг Чони 7/5, 6/1 ҳисобида енгди.

БУГУН

эрталаб кортада болалар кунини ўтказилиб, кўлаб жажжларимиз теннисдан ўзларининг илк сабоқларини олишди.

Тушдан кейин ҳамшаҳримиз Ирода Тўлаганова турнирдаги дастлабки баҳсида россиялик Анастасия Родионова билан кўп синашди. Сўнг у венгриялик Анико Капрос билан биргаликда Жанет Ли (Хитой Тайпейи) — Уинн Прокусиа (Индонезия) жуфтлигига қарши кортага тушди.

ДИЛЖОД ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ва дастлабки баҳсдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Ўзбек ўғлони — жаҳон чемпиони

Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида бир ҳафта давомиде бокс бўйича хаваскорлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз чам қўлқоп усталари муваффақиятли қатнашдилар.

Оғир вазнда нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида хаваскорлар ўртасида кубагунги кунда энг кучли чам қўлқоп устаси ҳисобланмиш Руслан Чагаев ўз маҳоратини яна бир бор намойён этиб финалда украинлик рақибни Алексей Мазинини иккинчи раунддаёқ нокаутга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди. Шундай қилиб Руслан Р. Рискиев, У. Хайдаров, М. Абдуллаевлар ортидан юртимиздан чам қан тўртинчи жаҳон чемпиони бўлди.

Ёш, иқтидорли чам қўлқоп устаси Шерзод Хусанов ўз вазнида учинчи ўринни эгаллаган ҳолда мамлакатимиз терма жамоасига бронза нишонини келтирди. 75 килограммга вазнда баҳс юритган жаҳон чемпиони ўткирбек Хайдаров ярим финалда кубалик рақибини 29:28 ҳисобида енгган ҳолда мутахассислар эътиборини қозongan бўлса-да, финалда россиялик Андрей Гоголева ютказиб қумуш нишон билан қийналган.

Мамлакатимиз боксчилари терма жамоаси умумкаманда ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Она юрт мадҳи

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, куни кеча шаҳар ИИБнинг «Маърифат ва маданият» маркази биносида Ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасида «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» Республика VI кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан ўтказилаётган ушбу танловда Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги, элимиз тиш ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари она-Ватан, мустақил Ўзбекистон, хизмат бурчларига садоқатларини мадҳ этувчи ёқимли куй ва қўшиқларни куйлаб ўзларининг иккинчи истеъдодларини намойён этдилар.

— Ушбу кўрик-танлов ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида 6 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўлим бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Шухратилла Ортиқов. — Мақсадимиз ички ишлар идоралари ходимлари юрт тинчлиги, республика чегара худудларининг дахлсизлигини таъмин-


лаш, жинойтчиларга қарши курашишдан ташқари улар орасидан иккинчи истеъдодларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, она-Ватанга, халқига бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ўстиришдир.

Кўрик-танлов давомида иштирокчилар санъатга бўлган қизиқишларини, интилиш ва истеъдодларини намойён этиб дилдан жўшиб куйладилар. Хар бир яхши қўшиқ карсақлар билан олқишланди. Қўшиқ матнини, ижро маҳоратини, томошабинлар фикрини ҳам инобатга олган нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан голиблар аниқланди.

Олий мукофот — олий даражали диплом — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ хорিজга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси инспектори, милиция катта лейтенанти Тўлқин Тешабоева — «Мустақиллик» (Абдулла Орипов шеъри, Д.Мансуров мусикаси) қўшиғи учун, биринчи ўрин, биринчи даражали диплом эса Сирдарё вилояти ИИБ ДАНБ махсус усуналардан фойдаланиш бўлини маси механиги Асатилло Холиқовга — «Посбонларимиз» (Мухаммад Юсуф шеъри, Рустам Абдуллаев мусикаси) қўшиғи учун берилди. Шунингдек, иккинчи ва иккинчи ўрин учун эгалари ҳам диплом ва эсдалиқ совғалари билан тақдирландилар.

Танлов голиблари томонидан ижро этилган катта концерт дастури барчага манзур бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Шаҳримиздаги 185-болалар босқисига «Салом, олимпиада» шiori остида ўтказилган катта спорт байрамида боғча тарбияланувчилари спортнинг кўпгина турлари бўйича машқларни кўрсатишди.

СУРАТДА: ана шу спорт байрамидан лавҳа. Равиль Альбеков олган сурат.

ЎЗБЕК ТАРИХИ — ЭЛИК ТАРИХИ

(Давоми).

ҲАҚИҚАТ ШАРПАСИ

Ҳаёлот чек-чегара билмайди.

Ҳаёлот — эркинликнинг, ҳурликнинг тароғиб мамлақати. Инсон боласи бу уммон бағрида ҳеч бир тўсиқсиз, таъқиқсиз, таъқиқсиз эмин-эркин сузади, ўзи қўзлаган манзилларга зумда етиб боради.

Мен кўпинча ўзимни Ҳаёлот денгизининг бағрига отаман ва олис ўтмишнинг элас-элас кўринаётган соҳиллари сари сузиб кетаман.

Ўша соҳилларда ўзим излаётган Ҳақиқатнинг сирли шарпаларини илгандек бўламан...

Осиё қитъасининг Сибирь қисми, Қозоғистон кенгликлари, Ўзбекистон ва Туркменистонни туташтирган саҳроларда беадад ер ости бойликлари жамланган. Кўмир, нефть, газ захиралари мавжуд.

Ҳозир ер тағдида нефть ва газнинг пайдо бўлиш жараёнига - ўзимизга нотаъин соҳага даҳл қилиб ўтирмайликда, айнан кўмирнинг пайдо бўлиши сабабларини мушоҳада қилиб кўрайлик.

Ота-боболаримизни кўмирни сунъий равишда яратишнинг содда ва самарали усулларини қадимда — инсон боласи ер бағридаги кўмир қатламларини қавлаб олишни билмаган замонлардаёқ кашф этишган.

Оддий ёғоч гўлалари махсус чуқурликка қаланади ва ёқилади, сўнг димлаб ташланади. Ёғоч бу биқикликда тўлиқ ёниб битмайди, биқиб, бўғилиб, аслини йўқотиб, қорайиб сўнади, яъни, кўмирга айланади. Кўмирни ҳосил қилиш учун эса энг қаттиқ дарахтлар — pista ва арча гўлаларидан фойдаланилгани учун унинг номи «писта кўмир», деб аталади.

Ёнган пайта pista кўмирдан одамни бўғалаган, заҳарлайдиган ис газ тарқалмаганлиги сабабли, ота-боболаримиз хонадонларни иситишда ундан жон-жон деб фойдаланишган.

Тоғлик худудларда истикомат қилувчи юртдошларимиз ҳали ҳам бу аёнани унуттирмаган.

Ҳозир ҳам нозик дидли кабобпазлар ушбу ноёб ёнилгини юксак қадрлашадилар.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, «кўмир» сўзининг ўзи ҳам «кўммоқ», «кўмилиган» сўзларидан келиб чиққанини фаҳмлаш мумкин.

Бу усулдан фойдаланишни аслида табииятнинг ўзи бошлаб берган.

Ҳозирги даврга келиб Сибирда, бизнинг юртимизда, ер юзининг бошқа минтақаларида топилган кўмир конлари сув тошқинлари, тўфонлар, селлар натижасида минг-минг гектарлик майдонларни қоплаган ўрмонларнинг кўпорилиши, ҳақсиз-ҳисобсиз дарахтларнинг чуқурликларга тўпланиши оқибатида пайдо бўлган, дейиш мумкин. Ўзўзидан қизишиб, ёниши туфайлими ёки яшин тушган пайта оловланган кўйи кўмилиб қолгани вақиданими, ишқилиб, улар тупроқ тағида кўмирга айланганлар.

Бизнинг заминимизда кўмир конларининг асосан тоғларга яқин мавзеларда жойлашганининг сабаби ҳам шундадир.

Худудимизда иқлим неча бор ўзгарганининг, бепоен кенгликларнинг неча бор сув тағида қолганини айтиш қийин.

Қорақум ва Қизилқумнинг барханларидаги кўмларнинг денгиз тўлқинларига ўхшаб кетиши ҳам бежиз эмас.

(Дарвоқе, археологларимиз яқинда Қизилқум бағридан етти минг йил муқаддам ясалган идишни топганини маълум қилдилар. Янада қизиғи шундаки, бу саҳро бағридан чиққан топилдиқлар орасида денгиз шоҳи бўлмиш акуланинги тиши ҳам бор.)

Ер қуррагининг тақдирда Нух тўғони сингари жаҳоний офатлар бир эмас, бир неча бор рўй бергани ажабланирли эмас.

Натижада диёримизнинг текисликларини қоплаган бутун-бутун ўрмонларини даҳшатли селлар тоғлар пойига олиб келиб тўплаган ва устини қатлам-қатлам лойқалар босиб қолган, деб ўйлайман.

Энди бу ўрмонларнинг жойлашиш ўрнини ва шакли-шамойилини тасаввур этишга ҳаёлимизнинг ҳам қулочи етмайди.

Фақат, бир нарсани биламизки, бир пайтлар улар бўлган.

Бугун улар қаро ернинг тағида — Оҳангарон, Ҳисор ва Бойсун тоғ тизмаларининг остонасига бош қўйган ҳолда ётибди.

Бу она-табиат яратган бебаҳо бойликларини, азим ўрмонларнинг дастхатини — сўнмаган, оловланган юрагининг парчаларини биз кўмир ҳолида қазиб олаёلمиз.

Ҳа, заминимизга кўрик бўлган дарахтлар бугун хонадонимизга ҳарорат ва нур улашяпти.

Хўш, ўша ўрмонлар яшнаган пайта бу худудларда илк аждоғларимиз яшамаганмикин?

Уларнинг излари — қурган шаҳар ва қишлоқлари, яратган маданий ёдгорликлари ҳам ўрмонлар билан биргаликда тупроқ ва балчиқларнинг заранг тортган қатламлари тағида — энди кўлимиз етмас теранликка қилиб кетмаганимикин?

Бу саволга ким жавоб беради?

Ким инкор этади?

Ким тасдиқлайди?

Айтаолмайман...

Тан олиш керакки, ҳозиргача фан оламида кумронликни кўдан бермай келаятган моддиончилик одамзод наслининг пайдо бўлиши ҳусусида сўз кетганда ҳали ҳамон Чарлз Дарвиннинг машҳур назариясини рўқач қилади, «минг чиранганларнинг билан, барибир, ҳайвонсифат махлуқларнинг, антропоги, маймуларнинг авлодиси» деган қатъий ҳулосага бурнимизни ишқамоқчи, ушбу ҳақиқатга башар фарзандларини қул қилмоқчи бўлади.

Ақсинча, биз учун илоҳий дастур бўлмиш «Қуръон карим»нинг муқаддас оятларига сунадиған, яъни, Оллоҳ таоло тупроқдан яратган Одам Атонинг ва Момо Ҳавонинг зурёдлари эканимизга имон келтирадиган бўлсак, 2 миллион йил муқаддам ҳам одамзод ақдан бугунги даражамизга тенг келмасад-да, қалб ва қиефда айнан бизнинг кўринишимизда бўлганлиги ҳақиқатдир.

Аммо, кўпинча «Одамзод миллион йил бурунми ёки қирқ-элик минг йил олдинми бугунги ақли, шакли ва қиефасида яратилган бўлса, нега асрлар давомида ибтидоий тарзда турмуш кечирган», деган ақли ва даҳшатли савол бўғимизга кўндаланг келиб, нафасимизни ичимизга тушириб қўяди.

Айни пайта биз ер юзида, ҳусусан, бизнинг она тупроғимизда рўй берган иқлимий ўзгаришлар инсоният бошига неча минг хил офатларини олиб келганини, аждоғларимизнинг заҳматли, машаққатли изланишлари, меҳнати, қадоқ қўли ва ақли билан яратилган муъжизаларни ер ютиб, ҳаётини неча бор қайтадан бошлаганини айтаолмаймиз-ку.

Балки, қолюқдиннинг сабаби мана шундадир?

Майли, ўзимизнинг кучимиз етмаган ҳақиқатни далиллаш учун ортиқча чиранмайликда, халқимизнинг яқин, уч-тўрт минг йиллик тарихига бир назар ташлаб кўрайлик.

Бахтиёр РИЗО

(Давоми бор.)

«Авесто»нинг яратилганига қарийб уч минг йил бўлса-да, унинг мукамал ҳолига келиши учун ҳам узоқ йиллар керак бўлган. Бинобарин у аждоғларимизнинг минглаб йиллар қилган заҳматли меҳнатларининг мевасидир. «Авесто» ижодкорларга илҳом, олимларга тадқиқот мактаби бўлиб хизмат қилаяпти.

«Авесто» асли ўн икки минг невис терисига зарҳал (олтин) харфларда битилган. Лекин афсуслар бўлсинки, унга дастлабки зарбани Александр Македонский берган, мажмуанин бешдан уч қисми қуйдириб ташланган. Бизгача аслининг қирқ фоизи етиб келган, холос. Шунга қарамасдан, «Авесто» минг йиллардан буюн дунё илмий жамоатчилигини қизиқтириб келаяпти. Қадимги юнон-рим алломуларининг ижодларида «Авесто» муҳим роль ўйнаган. Ундан кейин ҳам ўз даврининг улуғлари «Авесто»дан илҳомланган.

XVIII аср бошида инглиз сайёҳи Жорж Бучер Хиндистонда яшовчи зардуштлардан «Авесто»нинг «Вендидад Соде» бўлган нусхасини олишга муваффақ бўлади. 1723 йилда Англияга келтирилган мазкур нусха кўпчиликка кўргазмасига топширилди.

1751 йилда мазкур ҳужжат Парижда пайдо бўлади. Эндигина 20 ёшга тўлган Анкетиль Дюперрон Париж шарқшунослар мактабининг ўқувчиси эди. Дюперрон «Вендидад» билан қизиқиб ўргана бошлади. Хиндистонда зардуштлар яшаётган қабилалар орасида бўлиб, «Авесто» билан яқиндан танишадилар.

1761 йили Дюперрон Парижга қайтиб «Авесто» билан мукамал шуғулланади. 1771 йилда Дюперроннинг йигирма йиллик меҳнати натижаси «Авесто»ни француз тилида чоп этилиши билан яқунланди.

Рига университетининг профессори Кленкер Дюперрон асарини немис тилига таржима қилиб 1778 йилда нашр эттирди. Немис олими Тихсен 1791 йилда «Авесто» ҳақидаги китобини чоп эттирди. XIX асрда италиялик олим Тамбатини Вико, немис олимларидан Радең, Раскин ва Риттерларнинг «Авесто» ҳақидаги асарлари қимматлидир. «Авесто» ҳақида йирек немис файласуфларидан Фридрих Гегелнинг фикрлари таҳсинга лойиқ. «Бу дин, — деб қайд этган Гегель, — ёруғлик ва меҳроқибат динидир. У ёвузлик ва зулматга ёрши туради. Еруғликнинг ёвузлик билан кураши, ҳаётнинг ўлим билан курашидир. Зороастри дини ривожланиши ва ҳаётнинг барҳаёт бўлиши, экин экишни, уй ҳайвонларини боқишни ва ерга қарашни талаб қилади».

Инглиз олимларидан Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер (1823-1900 йил)нинг хизматлари диққатга сазовордир. Макс Мюллер раҳбарлигида инглиз олимлари 49 томлик «Шарқнинг муқаддас китоблари» мажмуаларини чоп эттирди. Ана шу мажмуаларнинг турт жилди (I, IV, XIII, XXXI) «Авесто»га бағишланган. «Авесто»га бағишланган тадқиқотлар ичида Христиан Бартолеме (1855-1925 йиллар)нинг асарлари ўз урнига эга.

Шарқнинг донишмандлари ижодида «Авесто» янаям рағ-баранг талқин этилган. Абу Райхон Беруний (973-1048)нинг ижодида «Авесто» диққат марказида бўлиб, аммо афсус-надоматлар ила боқинчиларнинг хунрезликларини қаламга олади. «Подшоҳ Дорро ибн Дорро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тило билан битилган бир нусха си бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди». (Беруний, Танланган асарлар, I-жилд, Т., 1968, 238-бет). Ана Сизга маънавий хазинага муносабат.

«Китоб — офтоб», дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас, чунки қуёш оламга нур таратади, китоб зиё тарқатади. Барча билиму илмларнинг асоси китоб. Китоб — маърифат, маданият ва маънавиятнинг ўзати, манбасидир.

Абулқосим Фирдавсий (940-1030) ижодида «Авесто» шунчалик сингил кетганки, хайратдан ёқа ушлаганман. «Шоҳнома»нинг саҳифаларида «Авесто»нинг руҳи сузади. Ҳа, «Авесто» донишманднинг назарига бунчалик тушиши бежиз эмас. Агар таъбир жоиз бўлса «Шоҳнома»нинг бешдан охиригача «Авесто» таъсири манаман деб сезилиб турибди.

Низомий Ганжавий (1141-1206)нинг меросида ҳам «Авесто»нинг қахрамонларига дуч келамиз. Алломанин «Етти гўзал» дostonидаги ёвуз ниетли аждоҳ Аҳриман тинсолида тасвирланади. Яна кўп жойларда «Авесто»даги ҳолатлар Низомий ижодида буй кўрсатган.

«Авесто» шеърини мулкининг султони Алишер Навоий ижодида ҳам ўз аксини топган. «Фарҳод ва Ширин» dostonидаги Жамшид ва бошқа образлар бунга мисол бўла олади. «Авесто»да «Жам» (Жамшид) «Кўёш юзи», «Яши сулувлар сохиби» деб улуғланади ва Олий Илоҳнинг назарига тушиб, ардоқланади. Мана, эътибор беринг:

Зардушт (Пайгамбар) Ахура Мазда (Олий Илоҳ)дан сўради:
«Эй, Ахура Мазда! Эй, оламлар нури! Эй, яхшилик дунёсини яратгучи! Эй, Ашаван (Ҳақ издоши)!
Сен — Ахура Маздасан, мен — Зардуштман. Сўйла-чи, мендан бошқа

Аҳриман тинсолида тасвирланган. Эки бўлмаса «Авесто»да:
У (Олий Илоҳ) девлардан асради омон, бойликларни, мулкни, бисотни, Экинзорлар хосилдорлигини, Подоларни асради омон: Ул Йима (Жамшид)нинг қаламровида

Озик-овқат, ичимликлар ҳам, Тугамасди, бўлмасди адо. Хайвонлар ҳам абадий эди, Инсонлар ҳам абадий эди, Ўсимликлар сўлимас эди, Қуримасди оқин сувлар ҳам; Салтанатда йўқ эди мулук; На совуқ, на курғоқчилик, На кексаллик ва на ўлим, На ёвуз ҳасад.
У ёлғон сўйламайди ҳеч, Ботил калом сизгадир Унинг ақлида.

Алишер Навоийнинг dostonларида юқоридаги руҳ синдирилган, алома, ниҳоятда нозик дид билан ёндошиб, ижодий ривожлантиради. Мана, эътибор беринг, Олий Илоҳ эзуғлик ва яхшиликлар тинсоли — Фарҳодга «қўлингга иккита гавхарни, ҳам топширмақчимиз. Бу икки гавхарнинг бири сенга маълум этиладиган хабар бўлиб, иккинчиси энг олий бир таъсир этгучи гавҳардир. Сенга айтилаётган хабар шундан иборатки, сен узок умр кўрасан, яна кўп ўлкаларни фатҳ этасан... Сенга берадиган нарсамнинг яна бири бир муҳрадир. У гоят фойдали бўлиб, агар сен дунёда узок йил яшайдиган бўлсанг, сенга бирор касаллик ёки заиллик юзланмаган бўлса ёки қариллик таъсир қилса, ўша муҳрани

Табирлар
Ҳаёт боғининг гуллари

Пойтахтимиздаги Республика Марказий кўзи оғизлар кутубхонасида Оналар ва болалар йилига бағишланган «Оналар омонлиги фарзандлар баркамоллиги» мавзуда адабий-бадий кеча ўтказилди.

Кечада Йўлдош Охунбоев номидаги кўзи оғизлар болалар мактаб-интернати ўқувчилари иштирок этдилар. Кеча давомида кутубхоначи Гавхар Мардонова ва семимли шоир Абдулла Ориповнинг «Онажоним» шеърини ҳаяжонли оҳанг-да ифодали ўқиди. Кутубхоначи Савия Жалолова эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асаридан парча ижро этди.

Мактаб-интернатнинг Р.Зокиров раҳбарлигидаги ҳаваскорлик тўрагаи аъзолари Шархриё Дадажонов, Бехзод Беков, Зўҳра Қобулова, Алишер Раҳимовлар оналарини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари билан кечага файз киритдилар. Кечада «Ҳаёт боғининг гуллари» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Садбархон ЖўРАЕВА

КўРГАЗМАЛАР

Муносиб нишонланди

Ўзбекистон Бадий академиясининг графика шўъбаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Камалак» болалар студияси ташкил топганига ўн беш йил бўлди. Бу орада студиянинг истеъдодли ёш rassomлари сон янада ортиб, талайгина ижод намуналари яратилди. Улар кўргазмага жамланган ҳолда жойларда томошабинларга тақдим қилинди.

Шу сана муносабати билан «Кўёшга таъзим» деган мавзуда картиналар кўргазмаси ташкил этилди. Унда «Камалак» аъзолари чизган янги расм ва картиналарга кенг ўрин берилди. Шунингдек, Тошкентдаги мактаблар хаваскор rassomлари ижод намуналари ҳам ўрин олди.

Ўзбекистон Бадий академияси, «Олтин мерос» халқаро жамағатининг Тошкент шаҳар бошқармаси, rassomлар уюшмаси халқаро конфедерацияси ердамида Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб уюштирилган бу маданий тадбирда энг яхши иҳодкор ёшлар эсдалиқ совғалари билан тақдирландилар.

Акбар АЛИЕВ

«Авесто» ва жаҳон

МОЗИЙ

одамлар ичидан яна кимдан ҳола-ахвол сўринг?

Кимга Ахура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?

Ахура Мазда жавоб берди:

«Эй, Ашаван Зардушт!

Мен — Ахура Мазда — сен — Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қуёш юзи, яхши сулувлар сохиби Жам (Жамшид)дан хол сўрдим, ҳамда Ахура Зардушт динини унга ошкор қилдим». Тангри назарида «Одамлар орасидан биринчи» бўлишлик катта шараф, ниҳоятда буюк иноятдир. Худди шундай бахтта «Авесто»нинг қахрамони Жам мусосар бўлади, унга насиб этади. Олий Илоҳнинг назарига тушган Жамга қатор сифатлар насиб этади. Қўйидаги ихтибосимизда мазкур ҳолат акс этган, мана эътибор беринг:

Эй, Зардушт!

Шунда мен — Ахура Мазда — унга дедим:

«Эй, Жам!

...Менинж жаҳонимга кенглик бахш айла. Менинж жаҳонимни ардоқла, жаҳон ақлига пешво ва асрағучи бўл».

Эй, Зардушт!

Шунда қуёш юзи Жам менга жавоб берди:

«Мен сенинж жаҳонингга кенглик бахш этаман. Мен сенинж жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон ақлига пешво ва асрағучи бўламан!»

Менинж салтанатимда на совуқ бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на ўлим бўлади».

Шундан сўнг, мен — Ахура Мазда — унга тўхфа тақдим этдим: бири — заррин «сувра» (илоҳий муҳр), иккинчиси заррин «аштра» (илоҳий камчин).

Шундай қилиб Жам менинж шаҳриёрим бўлди.

Қиссадан хисса, «Авесто»да Жам (Жамшид) Тангрининг «шаҳриёрига» айланиб, илоҳий сифатларга мушарраф бўлади. Алишер Навоийда Жамшиднинг бетакор, гўзал сифатлари шунчалик тараннум этиладики, аллома бисотидаги энг сара садафларни рақам этади. Бунинг устига хар иккала қахрамоннинг тақдирини муштараклик, ўхшашиқлар сероб. «Авесто»да Олий Илоҳ Жамга илоҳий муҳр (заррин «сувра») ва илоҳий камчин (зарриншон «аштра»)лар билан сийлаб, илоҳий кудрат ато этади. А.Навоийнинг Фарҳод ҳам Сулаймон узуги ва Жамшиднинг жомига эга бўлиб, бало-казолардан халос бўлади. Ёвуз куч ҳар икки асарда

оғзинга солиб, тилин билан айлантириб сувини ютсанг, касаллик соғломлик билан алмашади, гам-ғузукуч-қувват билан айирмоб бўлади. Қариллик касали татоман йўқолиб, йигитлик ўрнини олади». (Алишер Навоий, «Фарҳод ва Ширин», насрий баён муаллифи Фафур Фулом, Т., 1975. 85-бет). Хар иккала асардаги ўхшашиқлар бежиз эмас, шак-шубҳасиз. Алишер Навоийдек сўз устасига «Авесто»нинг таъсири сезилиб турибди. Айни вақтда, буюк санъаткорнинг буюкчилиги ҳам шундаки, аждоғларимизнинг меросига ниҳоятда катта қизиқиш билан қараган, улардан илҳомланган. Навоийдек алломанин назарига тушган мажмуанин қиммати нақадар юқориликка ҳеч ким шубҳаланмас керак. Азиз ўқувчилар, биз «Авесто»нинг жаҳоншарталигидан Сизларга бир шингилли тўхфа этишга жазм этдик. Зероки, «Авесто» инсоният маънавий дунёсининг хазиналаридандир, қанчалик сарфламанг қаймайди, ақинча, чашмадек қайнайверди, бўлоқдек тошаверди.

«Авесто»ни юртдошларига таништираётган бугунги кундаги олим уламолардан Фозила Сулаймонованинг хизматларини алоҳида қайд этиш жоиз. Фидойи олимнинг қилни қирқ ёриб яратган «Шарқ ва ғарб» мажмуас

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

• Истаганинг рўёбга чиқмаган бўлса, рўёбга чиқадиганини иста.

• Бошқаларнинг бахт-саодатларини кўролмаган хасадчи киши доимо қайғу-алам остида бўлади. Ўзгаларнинг яхши турмушлари унинг юрак-бағрини ёндирди.

Дилни аввал сан хасаддан пок қил, Узни сўнгга соҳиби идрок қил!

• Бузуқ, ярамас одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, улар билан ошно, оға-ини тутиниш бир кун фалокат келтиради.

Бўлмагил ҳаргиз ёмоннинг ўртоғи, Йўқ эса тушгай бошинга ғам тоғи.

• Ҳазил-мазахга ўрганган, оғизларидан беандазу сўзлар чиқаришга одатланган одамлар кейинроқ шу феълларидан дакки ейдилар. Ҳазилнинг тағи «зил» деган сўз бекорга айтилмаган.

Кимда беандазу сўзлар бордир, Бил, надоматдан унга бисёрдир.

• Шоир Юсуф Хос Ҳожиб айтди: — Ёмонлик оғдир, бу оғуни ема, оғу еган киши тирикликдан баҳраманд бўлмайди. Ёмон бўлма, номингни ёмонлик билан чиқарма.

Оловким халойиқни куйдиргуси, Учирмоқдан ўзга топилмас илож.

• Озор уруғини селган киши зарардан ўзга ҳосил олмайди, манфаат ниҳолини кўкартирган киши тинчлик, шодлик мевасини еydi. Тоғ ёнида кичкириб нимани айтсангиз, акс-садо билан ўша айтганингизни эшитасиз. «Нимани айтсанг шуни ўрасан», деган ҳикматли сўзни эсимиздан чиқармайлик.

• Ақли одам бошқа бир одамнинг қилган хатосидан сабоқ олиб, ўзи шундай хатога йўлиқмаслик учун ҳаракат қилади. Ёшлиқ чоғида фазилат орттириш учун заҳмат чекангиз, қариганда фазилатнинг ўзи сизга хизмат қилади.

Фазилатни айлар эсанг ихтиёр, Бўлур давлатинг ҳамдаму, бахт-ёр.

• Қўлидан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир, чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди.

Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун,

Устихон эрмаски они рост қилса мўмий.

• Бир донишманддан сўрадилар: — Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю энг ёмон нарса нима?

Донишманд жавоб берди: — Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқли, тарбияли, саёй ғайратли бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Улимдан ҳам баттар ёмон нарса эса ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир.

Энг ақли одам ким?

Донишманд айтди: — Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақли ҳисобланади.

• Бир донишманд ўз ўғлига шундай насиҳат қилди: — Ўғлим, агар муродинг гулларини очишлигини истасанг, шу беш нарсага эътибор қил:

- Қаҳру ғазаб оловини юмшоқлик суви билан ўчир;
- Ахлоқсиз, тарбиясиз, бузуқ кишилар васвасасидан ҳариз қил;
- Ишларнинг биносини тўғрилиқ узра қур, хиёнат йўлига қадам қўйма;
- Юз берган воқеа-ҳодисаларни чидам билан бошқаларга ўтказ, сабру тоқатни қўлдан берма;
- Ҳирс, тама, игво, бировга озор беришдан сақлан.

Истасангким етмагай сенга боло, Бермагил ҳеч кимга озору жафо.

• Аблах одам ўзидаги камчиликларни кўра олмайди-ю, бошқаларнинг камчиликларини кўради. Аввал ўзидаги камчиликларни кўриб шуларни йўқотишга киришса, аблах бўлмас эди.

Айбини аблах бутунлай билмагай, Ўзгаларнинг айбидан айрилмагай.

• Пасткаш ва қурумсоқ кишилардан дўстлик, ошонлики орзу қилиш, тошқар хамда қаттиққўнғилли одамлардан марҳамат ва шафқат кутиш — қуриб қолган дарахтдан мева кутишга ўхшайди. Қоронғу кечадан кўёш нурини талаб қилиш — девоналикни аналтади.

Кутма дардинга даво пасткаш,

қурумсоқ кимсадан, Ким чийен ниши билан олғай оёқлардан тикан?

• Ақли одамларнинг душманлиги жоҳил одамларнинг дўстлигидан кўра яхшироқдир. Жоҳлат башариат фикри учун қоронғи бир кеча ва ҳар турли разилликнинг онасидир.

• Мурод, мақсад ҳазиналари меҳнат кўприги устидадир.

• Ақл ва фаросат қўёшга ўхшайди, бепарволик туфайли тушиши мумкин бўлган доғларга ўрин қолдирмайди.

• Ортиқча саодатга интилиш саодатни қўлга киритишга тўқсинлик қилади.



Бугун албатта галаба қозонамиз.

Равиль Альбеков олган сурат.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Алпомиш ва Барчинойлар беллашди

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаб ушма кўмитаси ҳамда Ўзбекистон касаб ушмалари Федерацияси Кенгашининг қарорига мувофиқ раёонида «Алпомиш ва Барчиной» меъёр тестлари бўйича олий ўқув юрларида мусобақалар бўлиб ўтди.

Уни ўтказишдан мақсад олий ўқув юрларида таълим олаётган ёшларнинг қандай ҳисомий камолотга етайганини, она-Ватан химоясига қандай тайёр бўлаётганини яна бир бор синовдан ўтказиш эди. Уларда деврли ҳар бир талабанинг бу оммавий тадбирда иштирокини таъминлаш асосий мақсадлардан бири қилиб қўйилди ва тест синовлари бир неча босқичда ўтказилди. Мазкур тадбир олий ўқув юрларида хисомий тарбия ишларининг қандай йўлга қўйилганини яна бир бор кўрсатди.

Жойларда «Алпомиш ва Барчиной» меъёрлари мусобақалари гоилибларига тармоқдаги олий ўқув юрларида мусобақалари финал ўйинларига йўланмалар берилди.

Ёшлар тез юриш, югуриш, сакраш, турникда тортилиш, тош кўтариш каби спорт турлари бўйича мусобақалари бўлиди. Ҳар бир қатнашчи шахсий биринчи бўлиш, ўз юрти шарофатини химоя қилиш учун барча турларда қизғин кураш олиб борди.

Қамолдин Бехзод номи Миллий рассомчилик ва дизайн институти спорт зали ва спорт майдончалари финал мусобақаларига олинган ғайрат ва кучга тўлган олий ўқув юрлари талабаларининг хисомий тарбия ва ватан химоясига тайёрларлик байрамига айланган кетди. Қизғин мусобақалар охиригача шиддатли тус олди. Голиблик шарофати учун кураш бир сония ҳам сусаймади.

Эрақлар ўртасидаги мусобақаларда Камолдин Бехзод номи Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг 2-курс талабаси А. Аҳмедов шохсулдан энг юқори логонасидан ўрин олди. Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Ж. Исроилова иккинчи, М. Уйғур номи Санъат институти вакили Н. Мақуловга учинчи ўрин насиб этди.

Қизлар мусобақаларида А. Қодирий номи Тошкент Давлат маданият институтининг икки вакили фаҳрий урликка кирди. А. Волошина биринчи, Д. Барноева учинчи ўринни эгаллади. Камолдин Бехзод номи Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси И. Холмирова пиллапонинг иккинчи логонасидан ўрин олди. Голибларга пул мукофотлари, совғалар тақдим этилди.

Умумий ҳисобда Камолдин Бехзод номи Миллий рассомчилик ва дизайн институти ёшлари энг кўп оқолар йиғиб биринчи ўринни эгалладилар.

Будир ПУЛАТОВ

Касаллик кўзгатувчиси — Вас. Antracis микроби бўлиб, ноқулай шароитларда химоя қобили, яъни спора ҳосил қилади. Спора ҳосил қилган микроб ташки муҳитнинг физик ва химик таъсирларига ўта чидамли бўлиб, бир неча 10 йиллар мобайнида касаллик кўзгатувчиси хусусиятини сақлаб қолади. Тупроқ, ҳашак ва бошқа нарсаларнинг таркибида қулай шароит туғилганда қулай хусусиятини ҳам эгадир. Шу сабабли куйдиргунинг кўзгатувчиси билан зарарланган жойлар узоқ йиллар давомида касалликнинг манбаи бўлиб қолади.

Куйдирги билан хайвонларнинг касаллигини йилнинг барча фаслларида қузатилиб, кўпроқ баҳор ва ёз ойларида кайд этилади. Бунга сабаб баҳорда ўт-ўланларнинг ўсиши, ёмғир ва сув сувларининг тупроқларни ювиб кетиши ва қазил-қурилиш ишларининг олиб борилиши натижасида ернинг тағида ётган спорали микроблар ернинг юзасига чиқиб қолади ва хайвонларга сув, ўт ва ҳашаклар орқали юқади. Баҳор ва ёз фаслида қон сўрувчи хашоротларнинг кўпайиши билан мажбурий касалланган хайвонларнинг қони сириб, кўплай соғлом хайвонларга тарқатади.

Езда иқлимнинг қуруқ бўлиши, шамол ёрдамида тупроқ зарралари билан чанг-тўзон орқали кўплай микробларнинг ҳавога кўтарилиши натижасида хайвонларнинг бурун ва кўз шиллик пардалари орқали юқиши кузатилади. Бундан ташқари қўнлик ҳолатларда куйдирги касаллигининг кўзгатувчиси хайвонлар билан бевосита ишлайдиган, хайвонот маҳсулотларини (тери, жун ва бошқа) жамағадан, харид ва қайта ишлайдиган корхоналар ходимларининг ҳамда чорва молларини ветеринария куригидан ўтказмасдан қўлдаги жароҳатлари орқали инсонларга юқади.

Ақсарий ҳолларда куйдиргунинг кўзгатувчиси хайвонларга оғиз орқали юкиб, касаллик уч хил, яъни ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир ҳолатида кечади.

Ўта ўткир ҳолат қўнча кўй ва қорамолларда қузатилиб, кутилмаганда хайвонларнинг нафас олиши қийинлашади, юрак уриши тезлашади, оғиз ва бурнида қон аралаш кўпик пайдо бўлади, тана ҳарорати кескин кўтарилиб, мушаклари титрайди, хайвон қалтирайдиган, худидан кетади ва бир соат ичида ўлади.

Ўткир кечган ҳолатда дастлаб хайвоннинг тана ҳарорати 42,5 даражага кўтарилади, хансирайди, юрак уриши тезлашади, қавш қайтариб ишта-

ФУТБОЛ

Терма жамоа Малайзияга боради

КЕЧА

Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2002 йилда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларининг иккинчи босқичга тайёрлиги қай аҳволда бўлиши ҳақида сўз борди.

Терма жамоа бош мураббийси Владимир Сальков иккинчи босқичга тайёрлик 18 июндан бошланганини, шу кунги ўзбекистонлик чарм тўп усталари Малайзияга ўқув-масгулот йиғинлари ўтказиш ва у ерда бир неча клублар билан ўртоқлик учрашувларида қатнашиш учун боришларини таъкидлади. Бундан кўзланган асосий мақсад футболчиларимизнинг бугунги кундаги руҳий ва жисмоний ҳолатини яна бир марта кўздан кечиришдир.

Дарвоқе, терма жамоамизнинг Малайзияга сафари муносабати билан миллий чемпионатимизнинг 17-18-турларини ўтказиш мuddатларида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Яна юқумли касаллик ҳақида

Куйдирги — ўта хавfli касаллик бўлиб, у билан қишлоқ хўжалик ва ёввойи хайвонлар ҳамда одамлар касалланади.

хаси йўқолади, қалтирайдиган, сизирларда сут бериши кескин қайтади, фақат касаллик 2-5 кун давом этади.

Касаллик кўзгатувчиси ташқи муҳитга тарқалишига касал хайвонлар ва ўлган хайвонлар танаси сабаби бўлиб, уларнинг пешоби, теъзаги ва сулақлари орқали кўплай микроблар ажралиб чиқаради. Куйдиргунинг кўзгатувчи-

зарарланганда тил, тўғри ичак ва бошқа аъзоларда шишлар пайдо бўлади. Касалликнинг ичак шакли қўйларда ўта ўткир кечиб, кўчи санчик қузатилади. Куйдирги касаллигидан ўлган хайвонларнинг танасини ёриб кўриш тақиқланади.

Ўлган хайвон танаси жуда тезлик билан шишиб кетади, барча табиий тешиклардан қон ва қўнлик аралаш суюқлик оқади, қони тўқ рангда бўлиб, қуюқлашган бўлади, қони ивимайди ва хайвон танаси қўмайди. Барча ички аъзоларда қон қуюлиши кузатилади, лимфа туғунлари қатталашган бўлади, энг муҳим белги талоққа қузатилиб, талоқнинг ҳажми меъёридан юқари нисбатан бир неча баробар қатталашган бўлади, ички аъзолар тўқ рангли қон билан тўлганлиги кузатилади, кўкрак ва қорин бўлиғида суюқлик тўпланган бўлади.

Куйдирги касаллигидан хай-

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги профессор М.С.Турсунхўжаева номи Тошкент тиббиёт билим юрти

2001-2002 ўқув йили учун қўйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади:

- 1. 9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Ҳамширлик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш мuddати 2 йилу 10 ой. Абитуриентлар икки фан бўйича кириш имтиҳонлари топширишади.
- 1. Она тили ва адабиёти (диктант)
- 2. Биология (оғзаки)
- 4. 11-синф маълумотига эга ўқувчилар учун «Тиш враччи» мутахассислиги бўйича ўқиш мuddати 2 йилу 10 ой. Абитуриентлар икки фан мажмуаси бўйича тест синовидан ўтадилар.
- 1. Она тили ва адабиёти
- 2. Биология
- 3. 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун «Ҳамширлик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш мuddати 1 йилу 10 ой. Абитуриентлар икки фан мажмуаси бўйича тест синовидан ўтадилар.
- 1. Она тили ва адабиёти
- 2. Биология
- 4. 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун «Акушерлик иши» мутахассислиги бўйича ўқиш мuddати 2 йилу 6 ой. Абитуриентлар икки фан мажмуаси бўйича тест синовидан ўтадилар.
- 1. Она тили ва адабиёти
- 2. Биология

Кирishi учун қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1. Директор номига ариза
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома
4. 3x4 ҳажми 6 та фотосурат
5. Абитуриент паспортини ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжати шаксан қўрсатади.

Бизнинг манзилими:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамчи 2/5, Ўразбоев кўчаси, 17-А уй
Телефон: 29-72-14, 29-72-15, 29-72-16, 29-72-17
Транспортлар: Автобуслар: 82, 76, 10, 100, 87, 85, 32
Трамвайлар: 18, 27

Тадбиркор ва ишбилармонлар диққатига!

«Фарқод дехқон бозори» очик акциядорлик жамияти акцияларининг 2-эмиссиясини амалга ошириб, ўз акцияларини эркин савдога қўйганлигини маълум қилади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (юз) сўм. Жамият акцияларини сотиб олиш истагини билдирганлар қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, Чилонзор-12, Фарқод кўчаси, 21-39. Тел: 76-32-64.

«Ширин Лочин» жамоа корхонасининг хусусий фирмага айлантирилиши муносабати билан «Ширин Лочин» ЖКСИ корхонани хусусийлаштиришда қатнашган иштирокчилар (пайчиларнинг умумий мажлиси ўтказилишини билдиради. Умумий мажлис 2001 йил 18 июнь соат 10.00 да қўйидаги манзил: Юнусов тумани, 10-мавзе, 5-уйда ўтказилади. Қатнашчиларнинг паспорт билан келишларини илтимос қиламиз.

«Шивли» жамоа корхонасининг масъулияти чекланган жамиятга айлантирилиши муносабати билан «Шивли» ЖКСИ корхонани хусусийлаштиришда қатнашган иштирокчилар (пайчиларнинг умумий мажлиси ўтказилишини билдиради. Умумий мажлис 2001 йил 18 июнда Амр Темур кўчаси, 98-уйда ўтказилади. Қатнашчиларнинг паспорт билан келишларини илтимос қиламиз.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти томонидан 1993 йилда Гулҳебра Асроровна Шоумарова номида институти тугатганлиги тўғрисида берилган №007825-рақамли диплом йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ

БУ АЖИБ ДУНЁ

Ҳафтасига биттадан машина

Бразилиялик Азеред Нуни Менезис жуда омадли экан. Унга уч ҳафта ичида учта автомобиль ютукка чиқди.

Менезис биринчи марта ишонмасининг олдидаги дўкончадан 6 та лотерея сотиб олганди. Улардан бирига «Фиат Уно» автомобиль ютукка чиқди. Икки ҳафтадан сўнг ўша жойдан яна 6 та лотерея сотиб олди. Бундан қарангки, бу сафар ҳам ютуксиз қолмади. Фақат энди «Фиат Уно» эмас, «Фольксваген» га эга бўлди. Икки кун ўтган, 4 та лотерея сотиб олди ва яна омадли кулиб боқди. Ютукка «Фиат» чиқди.

Буюртма бўйича сигарет

Лондонда яшовчи Морис Дрейсер энг ашадий қашанда хисобланади.

Хатто ишонмасига келиб, иш соати бошлангунча ташқарида бир донга сигаретни охиригача чекиб олмас, ишини кўнгилдагидек бажара олмайди. Иш вақтида-ку қўяверинг. Бунинг устига у чекадиган сигарет ҳам ғайри-табиий, яъни узунлиги 56 сантиметр, йўғонлиги эса одатдаги сигаретлардан бир неча марта семиш. Бундай сигаретлар Дрейсернинг махсус буюртмаси бўйича Канаарск оролларида тамакиннинг ўзига ҳос навидан тайёрланади.

Ўзига хос клуб

Кейинги йилларда Германияда ҳам ёмғирдан кейин чиққан қўнқориндек ҳар хил клублар қўйиб кетди.

Масалан, ноҳавлар, обғи узунлар, бурқдорлар, малласочлар, НУЖ билан боғлиқ клублар ва ҳоказолар. Бирок шунча клублар ичида энг ўзига хоси ҳам йилларда тирик спорали эмла-ва воситаси билан мажбурий эмланади. Эмланган хайвонларни 10 кун ичида сўйиш тақиқланади. Эмланган хайвон организмиде куйдирги касаллигига қарши иммунитет 10 кундан кейин ҳосил бўлиб, бир йил давомида сақланади.

90 ёшида имтиҳон топширди

Англиялик Женни Витерич «Ўқийинг кечи йўқ» деган иборани яна бир бор исботлади.

У 83 ёшида чет тилларни ўрганишга киришган ва 7 йилда, яъни 90 ёшида немис, француз, италян ва испан тилларини мукаммал ўрганган. Шу ёшида ҳам у ўша тиллардан муваффақиятли имтиҳон топширди.

Капалаклар фермаси

Филиппиннинг Мариндук вилоятида капалаклар боқилган алоҳида ферма ташкил этилганда ҳам анчагина бўлиб қолди. Фермада ўзининг гузаллиги, нақши гуллари дунё рекордини ўрнатган 9 турдаги капалаклар етиштирилди.

Ферма асосан Европа мамлакатлари, АКШ ва Япониянинг буюртмасини ба-жаради. Бу давлатлар капалакларнинг ҳар бирини 1-5 доллардан сотиб олишади. Тангауллилари эса қимат туради — 30 доллар. Фермада етиштирилган капалакларнинг 10 фоизи табиат қўйнига қўйиб юборилади. Бу эса табиатни муҳофаза этиш ишига қўйилган қатта улушдир.

Велосипед яратилди...

Швейцарияда 15 кишига мўлжалланган велосипед тайёрланди. 30 та гилдлари бўлган бу гаройиб транспортнинг узунлиги 60 метрга яқиндир.

Мамлакатнинг бир гуруҳи ёш ўқитувчилари бу велосипедга Цүн шахридан Люцернга савоҳатга чиқдилар. Сайёҳларнинг барчаси оёқларини бир вақтда ишлатсалар велосипед соати-га 35 километрга йўл боса олади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоаси ва клиник фармакология кафедраси ходимлари кафедра мудири, профессор Ж. В. Ёқубовга волида мухтарамлари

Иқбор ая ЕКЎБОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изхор қилди.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати жамоаси ва шифобах жисмоний тарбия, врач назорати ва физиотерапия кафедрасининг ходимлари кафедра мудири, доцент Ф.А.Суюмовга падарибўзруклари

Абдулла ота СҮЮМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изхор қилди.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилими:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашир кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.